

Хам журналист, хам ёзувчи Абдукаххор Иброхимов 1938 йили Тошкентда таваллуд топди. У аввал Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика бўлимини (1962), сўнг 1975-1977 йилларда Москвадаги Олий Адабиёт курсини тугатди.

1962—1972 йиллар мобайнида «Ўзбекистон маданияти» кейин эса «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»_ хафталигида, «Гулистон» ойноталарида масъул лавозимларда ишлади. Шундан сўнг унинг «Сўнгги нур», «Осмон якин, ер юмшок» каби очерк ва хикоялар тўпламлари яратилди. Шунингдек, унинг «Биринчи бўса» (1978), «Мени айтди деманг» (1982) каби сахна асарлари Москвада рус тилида нашр этилди. Шу дамдан бошлаб факат публитсист, хикоянависгина эмас, сермахсул ва истеъдодли драматург сифатида хам элга танила борди.

Унинг «Бу замон ўғлони» (1982), «Зўлдор» (1983), «Тусмол», «Пуч», «Сенга бир гап айтаман», «Чакана савдо» каби бир катор песалари яратилди. Уларнинг кўплари Хамза ва Муқимий театри сахналарида муваффакият билан кўйилди.

Айни чоғда унинг шу йилларда «Чиллаки», «Тонг эди», «Хар томчининг сабаби бор» каби ажойиб хикоялари ўз ўқувчисига такдим этилди.

Шуни хам алохида кайд этиш керакки, ёзувчи Абдукаххор Иброхимов сўнгги йилларда оташин публитсист сифатида самарали ижод килиб келмоқда. Айниқса, маънавий мнллий мерос, табиат мухофазасига оид чикишлари кенг жамоатчилик эътиборини ўзига қаратди.

У адабиёт ва маданият, театр санъати олдидаги ана шу самарали меҳнати учун 1990 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган фахрий номга савовор бўлди.